

Туркистон

1925 йилдан чиқа
бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1998 йил 6 июнь Шанба.
№ 43 (144136)

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

3 июнь куни Қаршида халқ депутатлари Қашқадарё вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда вилоятдан сайланган Олий Мажлис депутатлари, шаҳар ва туман ҳокимлари, республика ва-

зирлик, қўмита, уюшма, компания ва идоралари раҳбарлари қатнашди.

Сессияда ташкилий масала кўриб чиқилди. Озод Пармонов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан вилоят ҳокими вазифасидан озод этилди. Депутатлар Президент Ис-

лом Каримов тавсиясига биноан

Қарши шаҳар ҳокими вазифасида ишлаб келаётган Шухрат Бегматовни Қашқадарё вилоят ҳокими этиб тасдиқладилар.

Сессияда Президент Ислам Каримов нутқ сўзлади.

* * *

Шу куни Президент Ислам Каримов Шўртан газ-кимё мажмуи қурилишини кўздан кечирди. Хорижий сармоядорлар билан ҳамкорликда барпо этилаётган бу улкан иншоот мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини янада юксалтиришда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Мамлакатимиз раҳбари бу ердаги иш суръати билан танишар экан, технологик жараён, бўлғусида олинадиган маҳсулот турлари билан қизиқди. Мажмуа фаолияти учун зарур бўладиган сув ресурслари, электр энергияси, транспорт, автомобиль ва темир йўллари, бошқа коммуникациялар қурилишини жадаллаштириш бўйича тегишли тавсиялар берди. Жумладан, қури-

лажак сув иншооти сифimini 16 миллион кубметрга етказиб, сув ресурсларидан нафақат саноат эҳтиёжи учун, балки экин майдонларини сугоришда ҳам фойдаланиш зарурлигини ўқирди.

Мазкур комплексни барпо этиш нияти 1978 йилда пайдо бўлган эди, деди Ислам Каримов. Лекин собиқ шўро давридаги камситувчи сиёсат, Ўзбекистоннинг иқтисодий юксалишини истамеган марказ бу гоёга тиш-тирноғи билан қарши турди.

Мустақиллик туфайли халқимиз азалий орзуларига эришмоқда. Бугун Шўртан газ-кимё мажмуи қурилиши қизғин давом этмоқда. Бир йилда 4,5 миллиард кубметр газни қайта ишлаш қувватига эга бўладиган бу янги корхо-

нада асосий маҳсулот - газ конденсати, метан ва этан газлари, бензиндан ташқари яна кўплаб турдаги зарур маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Жумладан, этан газни қимматбаҳо маҳсулот - полиэтилен тайёрлашда асосий хом ашёдир.

Президентнинг Қашқадарё сафари чоғида унга Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков, Президентнинг давлат маслаҳатчилари Темуралимов, Усмон Худойқулов ва бошқа расмий кишилар ҳамроҳлик қилди.

Шу куни Президент Ислам Каримов Тошкентга қайтиб келди.

Бехзод УСМОН,
ЎЗА махсус мухбири



Комилахон Исаева Бўка туманидаги пилла қабул қилиш корхонасида лаборант бўлиб ишлайди.
Сураткаш: Ҳ. Аввалов

ЮРТИМИЗДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 4 июнь куни Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар Ички ишлар вазирлари Кенгашининг Тошкентда бўлиб ўтган навбатдаги мажлиси иштирокчиларини қабул қилди.

“Устоз” жамғармаси Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини ҳаётга тадбиқ этиш мақсадида 25 мутахассислик бўйича танлов эълон қилган эди. Танловнинг дастлабки турида 40 нафар ёш иқтидорли ўқитувчи ғолиб деб топилди. Улар АҚШдаги нуфузли университетларнинг бирида малака ошириб қайтишга йўланма олишди.

“Камолот” жамғармаси Қашқадарё вилояти бўлими ташаббуси билан бир гуруҳ ота-оналар ҳарбий хизматни ўтаётган аскарлар билан учрашнинг учун Қорақал-поғистонда жойлашган ҳарбий қисмда бўлишди.

Қарши тумани Маданият уйининг “Ўли чаман” ашула ва рақс дастаси хонандаси Баҳриддин Худалов ва раққоса қизларнинг шўх кўшиқ ва рақслари аскарларга завқ-шавқ бағишлади.

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА

ОЛМАОТА. КазААГ ахборот агентлигининг хабар беришича, «Қозоғистон келажиги учун» номли ёшлар ҳаракати 3-27 июнь кунлари «Порасиз сессия» тадбирини ўтказмоқчи. Тадбир давомида талабалар ва ўқитувчилар ўртасида уларнинг номи кўрсатилмайдиган анкета тарқатилади ва имтиҳонлар вақтида талабалардан қандай пора олиниши ўрганилади. Кейинчалик натижалар олий ўқув юртлари раҳбарияти ва кенг жамоатчиликка етказилади.

БИШКЕК. «КАБАР» ахборот агентлигининг хабар беришича, Иссиқкўл вилоят касалхонасида Барскоон қишлоғида яшовчи Бурулиш Калиева вафот этган. Дастлабки маълумотларга кўра, у цинидли моддалардан заҳарланган эди. Касаллик диагнозини текшириш учун Иссиқкўлга Қирғизистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги Н.Касиев ва бошқа тиббий мутахассислар етиб келишди.

Агар диагноз тасдиқланса, у Иссиқкўлга бориб қуйиладиган Барскоон дарёси қирғоғида фалокатга учраган Канаданинг «Кумтор Оперейтинг Компани» компаниясига қарашли юк машинаси-дан тўкилган цинид натрийдан заҳарланган кишиларнинг аҳволи аввал тахмин қилинганидан оғирроқ эканини исботлайди.

БИШКЕК. Қирғизистон тамаки маҳсулотлари бозори яна кенгайдиган бўлди. «Юниверсал Трейдинг Компани» - Қирғизистон-Буюк Британия қўшма корхонаси деҳқонлар «меҳрини қозониш» учун уруғлик, ўғит ва ёқилги сотиб олишга фонз олинмайдиган кредит беришни йўлга қўйди. Мамлакатнинг жанубий ҳудудларида тамаки етинтиришни кўпайтириш учун 250 миллион қирғиз соми миқдорида инвестиция жалб қилинди.



ХОРИЖДА

Ҳиндистон ва Покистонга қарши қўлланган санкциялар Жанубий Осиё минтақасида ядро инқирози тўлиқ тугатилмагунга қадар давом этадиган бўлди. Бу ҳақда БМТ Хавфсизлик кенгаши доимий бешлигининг Женевадаги фавқулодда мажлисидан сўнг АҚШ давлат котиби М.Олбрайт маълумот берди.

5 кунлики “Эир Франс” авиакомпанияси учувчилари иш ташлаши давом этмоқда. Бунинг сабаби компания раҳбариятининг акциялар бериш эвазига учувчилар маошини 15 фоизга қисқартириши бўлган. Мамлакат Президенти Жак Ширак эса ҳар икки томоннинг ҳам зудлик билан зиддиятни тўхтатишини талаб қилмоқда. Чунки бошланишига бир неча кунгина қолган жаҳон чемпионатида келадиган меҳмонларнинг асосий қисми ана шу авиакомпания хизматида фойдаланиши керак.

Перуда Президент А.Фухимори янги бош вазирни ишга тайинлади. Кечагина қўтилмаганда истеъфога чиққан собиқ бош вазир А. Пандолфи билан Президент орасидаги муносабатлар жуда яхши эди. Унинг истеъфога чиқиш сабаблари ҳозирча қоронғу бўлиб қолмоқда.

Ер орбитаси яқинида “Мир” станцияси билан “Дисковери” космик кемасининг қўшилиши муваффақиятли якунланди. Бу АҚШ космик кемаларининг Россия станциясига қилган сўнгги сафари. “Дисковери” “Мир”да 4 ой ишлаган Эндрю Томасни Ерга олиб қайтади.

Чоршанба куни Германиянинг шимолида бўлиб ўтган тезюрак поезд ҳалокатининг сабаблари аниқланди. Текширув натижаларига кўра, бахтсиз ҳодиса поезд машинистининг айби билан келиб чиққан. Бугунгача бу фожеа туфайли кўз юмганлар сони 95 кишига етди. Яна 43 киши оғир аҳволда ётибди.

«Туркистон», ЎЗА ва хориж материалларидан

АДОЛАТЛИ РАХБАРГА ХАЛҚ ИШОНАДИ

● Раҳбарликнинг энг буюк мезони -- адолат.

● «Куч -- адолатда» деган Амир Темури бобомизнинг бизга қолдирган ўғит-насиҳатларини эсимиздан, ҳаёлимиздан чиқаришга ҳаққимиз йўқ.

● Оддий одамларнинг раҳбарга муносабати икки фуқаро ўртасидаги муносабатгина эмас. Айни пайтда у жамиятда қарор топадиган маънавий-руҳий, сиёсий-ахлоқий муҳитни ҳам яратади. Демак, ишлаб чиқариш маданияти, унинг самарадорлиги бевосита одамлар кайфиятига, раҳбарга бўлган муносабатига боғлиқ.

● Одамларда ғурур ва ифтихор туйғуларини кучайтириш -- бизнинг вазифамиз. Токи улар ўз кучига ва истиқболига ишонсин, қилаётган ишидан фахрлансин, ташаббускор бўлсин.

● Ҳақиқий раҳбар одамларнинг кўнглига йўл топиб, уларни эзгуликка, яхшиликка, яратишга даъват қилади ва ўзи ҳам одамлар юрагидан жой олади.

● Мен Қашқадарёни яхши биламан. Қашқадарё -- буюк Ватан ичра яна бир азиз Ватанимдир. Қашқадарё дардини юрагимга жуда яқин оламан. Қашқадарёни, унинг одамларини яхши кўраман. Уларни ҳурмат қиламан, ҳар қандай бало-қазолардан асраш учун керак бўлса ўзимни ҳам аямайман.

Ислом КАРИМОВнинг 1998 йил 3 июнь кунини Қашқадарё вилояти халқ депутатлари кенгаши сессиясида сўзлаган нутқидан

Пойдевори имондан қурилган иморатни кулатиб бўлмайди, илдизи ерга туташ, пайванд бўлган, қуёшдан нур эмган дарахт ҳеч қачон йиқилмайди, кўкка бўй чўзиб ўсаверади, унинг соясида йўловчилар, мевасидан инсонлар баҳра топаверади.

Йўлбошчимиз Ислом Каримовнинг халқ депутатлари Қашқадарё вилояти кенгаши сессиясида сўзлаган нутқини мароқ билан тинглаб, уни ўқиб чиқарканман, ҳаёлимни юқоридаги ўтли туйғулар қуршаб олди, хушёр тортиб кетдим. Бу оташин сўзлар, қанотли ва ҳикматли нидо қарахт қалбларни уйғотиб юборишига, уларни ўз халқиманфаати йўлида меҳнат ва хизмат этишларига ундашига ишонман.

Хур, озод Ватанинг бўлса, туғилган маконинг бўлса, ҳақ-ҳуқуқнинг берилган бўлса, яна нима керак ахир? Эл дуосини, ота-она ризосини олиб яшашдан буюкроқ мартаба борми -- одамга?!

Айрим раҳбарлар ўзларига кўрсатилган ишончини унутиб қўйишиб, тўғри йўл қолиб, эгри йўлга қадам босаётирларки, бунини уларни бошига кўтарган, ўзларига сарвар қилиб сайлаган халқ, эл-юрт асло кечирмайди. Оқиб турган дарёни назар-писанд қилмаганлар ўзларидан кўрсин. Дарёдан ўзлари учун ўзан қурдириб, оқимга қарши бораётганлар қаттиқ адашадилар, тез оқар дарё шундай қудратга эгаки, бундай кимсаларни енгил кўпикдай улоқтириб ташлайди, тўлқин бўлиб қирғоққа уради, чил-парчин қилади.

Қашқадарё фарзанди бўлганлигим, ана шу табаррук тупроқда киндик қоним тўкилганлиги учун ҳам, қаерда бўлмай, ана шу эл билан нафас оламан, кўнглимнинг тўрида унинг қайноқ меҳри яшириниб ётади, муқаддас тупроғига тавоб қиламан, улуғларнинг пок руҳлари билан яшаб, қалам тебратаман.

Қашқадарё воҳаси -- сирли дунё, битмас-туганмас хазина. Буюк кимёгар Менделеев жадвалидаги барча элементларни ана шу заминдан топса бўлади, ерости бойликлари шунчалар экан, тупроғи зар, қумушларга

бурканган элнинг, воҳанинг одамлари ҳам олтин инсонлардир. Яратиш, бунёдкорлик уларга Аллоҳдан иноят қилинган.

Қашқадарё имонли, эътиқодли, инсофли, меҳнаткаш инсонлари билан маълум ва машҳур. Унинг ардоқли Ўзбекистонимиздек нури, ойдин йўли бор, порлоқ келажаги бор. Юртимнинг қаддини тез тиклаб олишига, қадрига, шон-шухратига зинҳор доғ туширмай, жануб қуёши фарзанди сифатида Президентимиз, мамлакатимиз, халқимиз ишончини ҳалол пок меҳнати билан оқлашга имон келтираман.

Тез,
тўполон дарёнинг
Оқишидан
асрасин,
Имонсиз
одамларнинг
Оқишидан
асрасин.

ЭЛ СЕНИ
СЕВДИМИ...

Халқ буюқдир, халқ азиз,
Эл ишончин оқлайлик,
Халқнинг қарғиши ёмон,
Қарғишидан асрасин!

Ҳа, халқ қарғишидан Яратганининг ўзи сақласин, эл-юртнинг олқишини олиб яшаш бахти барчамизга насиб этсин!

Муҳтарам Президентимиз жуда тўғри ва оқилона таъкидладилар: “Келажак -- ёшлар қўлида!” Дарвоқе, ёшларни тўғри йўлга бошлаб, уларга ишониб, куч-қудратидан, шижоатидан унумли, ўринли фойдаланиш -- айна муддаодир. Ҳа, Ватанимизнинг парвози қанчалар юксак экан, бунда ёшларимиз, фарзандларимиз, ўғил-қизларимиз -- баркамол авлодимиз -- она диёримизнинг учқур, синмас қўшқанотларидир.

Эл сени севадим,
Айла фидо жон,
Элнинг назарига
Тушмоқ-бир толе.
Элнинг назаридан
Тушсанг тез, осон,
Ўзгармас, ўзингсан
Умринг заволи!

Зеро, манманга завол, камтарга камол! Элнинг назарига тушиб, қаламинг ва қалбинг, меҳринг ва шеъринг билан дастёр бўлиш, элим деб, юртим деб ёниб яшаш, халқ бахтини жўшиб куйлаш -- буюк бир неъмат, виждон бурчи, қарздорлик туйғусидир.

Нормурод
НАРЗУЛЛАЕВ,
шоир

Давр — менинг тақдиримда

ТАНИШ-БИЛИШЧИЛИК АВЖ ОЛГАНДИ

Қашқадарё вилояти кенгаши сессиясида Йўлбошчимиз Ислом Каримов сўзлаган нутқини телевизор орқали кўрдим. Президентимиз кўтарган масалалар, ечилмай ётган муаммолар жуда тўғри.

Дарҳақиқат, охириги пайтларда катта-кичик ташкилотларга мансabdорлар тайинлашда “таниш-билиш”чиликка суяниб қолинганди. Амалга “ё зўри, ё зари бор” минаётганди. Ҳатто маҳаллаларда кам таъминланган оилаларга нафақа бериш тартиби ҳам уруғ-аймоқ, қуда-андачиликка асосланиб қолмоқда эди.

Ислохотлар авж олган, билимли ва ҳар томонлама етук кадрларга эҳтиёж тобора ошиб бораётган вақтда бундай иллат-

нинг кучайганлиги халқ ўртасида тушунмовчиликларни келиб чиқармоқда. Ўрта табақадаги баъзи раҳбарларнинг тепса-тебранмаслиги натижасида ҳукуматга нисбатан ишончсизлик юзага келади. Бундай раҳбарлар “йўлини қилмасанг” арзингни эшитмайди, ўзидан кейингига ҳам эшиттирмайди. Бу одамларимизнинг руҳиятига ёмон таъсир кўрсатаётган эди.

Уйлайманки, сессияда республикамиз Президенти томонидан кўтарилган муаммолардан раҳбарларимиз тўғри хулоса чиқаришади ва ҳаётимиз, иқтисодимиз, умуман, ҳужалигимизда олға силжишлар бўлади.

Н.САЙДАЛИЕВ,
Шахрисабз тумани,
Навоий номидаги жамоа
хўжалиги

ЮРАКДАН ЖОЙ ОЛГАН СЎЗЛАР

Йўлбошчимиз Ислом Каримовнинг шу йил 3 июнь кунини Қашқадарё вилояти халқ депутатлари кенгаши сессиясида сўзлаган нутқларини катта қизиқиш билан тинглаб, у кишининг халқимиз, миллатимиз шаъни, ғурури, қолаверса, юртининг тақдири ва келажагига астойдил умид-ишонч билдираётганидан беҳад мамнун бўлдик.

Албатта ўтиш даврининг ўзига хос камчилик ва муаммолари бўлиши табиий. Лекин мана шу камчиликларга ҳаммамиз мурасасиз бўлишимиз керак. Шу ўринда Президентимизнинг айтган гаплари назаримда ҳар бир юртдошимизни тўлқинлантириб юбориши табиий.

Зеро, оддий одамларнинг раҳбарга муносабати икки фуқаро ўртасидаги муносабатгина эмас. Айни пайтда у жамиятда қарор топадиган маънавий, руҳий, сиёсий-ахлоқий муҳитни ҳам яратади. Демак, ишлаб чиқариш маданияти, унинг самарадорлиги бевосита одамлар кайфиятига, раҳбарларга бўлган муносабатига боғлиқдир. Президентимизнинг қўнчаклик билан айтган ана шу гапларини кўпчилик раҳбарларимиз ўзларига шиор қилиб олсалар айна муддао бўларди.

Хуршид ЗАЙНИДДИНОВ,
бўлғуси муҳандис

МИЛЛАТ МАНФААТИ АСОСИЙ МЕЗОН

Мен мактабда оддий ўқитувчи бўлиб ишлайман. Тўғри, бундан бир неча йиллар илгари одамлар ён-атрофда рўй бераётган воқеаларга бефарқ қарашарди. Бугун эса аҳвол буткул ўзгача. Юртдошларимиз воқеа-ҳодисаларни жуда зийраклик билан кузатишяпти. Бу гапларим сира муболага эмас. Президентимизнинг яқиндагина Қашқадарё вилоятига қилган сафарлари, сўзлаган нутқлари аксарият одамларда катта қизиқиш уйғотди. Сабаби унда миллат манфаати, олиб борилаётган ислохотларнинг ривожий асосий мезон этиб белгиланган. Шунинг учун ҳам Йўлбошчимизнинг фикрларига тўлиқ қўшилган ҳолда юртдаги кечаётган оламшумул ўзгаришларни амалга оширишда ватандошларимиз бир тан, бир жон бўлиб интиломоқда.

Нафиса УСМОНОВА,
Тошкент

ЁШЛАР ТАРБИЯСИ -- ЭЛ МУДДАСИ

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» ҳамда Президент Ислам Каримовнинг Олий Мажлис 9-сессиясидаги нутқи мамлакатимиз таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсадлари ва йўналишларини белгилаб берди. Бу таълим тизими Ўзбекистоннинг миллий қадрият ва анъаналарини, бозор иқтисодиётига ўтишнинг асосий тамойилларини, республикамизнинг ўзига хос тараққиёт йўлини ҳамда таълим соҳасида жаҳондаги илғор мамлакатларнинг тажрибала-ри ва ютуқларини ҳисобга олган бўлиб, у ўз моҳиятига кўра янги миллий таълим моделидир.

Ижтимоий-гуманитар мазмунини тубдан янгилаш, уларни ўқитишни тартибга солиш, кўп босқичли ва узлуксиз таълимнинг янги структурасига уни мослаштириш, таълим услубини, технологиясини, воситаларини ва уларнинг сифатини тубдан яхшилаш каби масалалар бугунги кунда таълим тизими ислохоти олдига турган долзарб муаммолардан биридир.

Бу вазифаларни кенг ва чуқур муҳокама қилиш, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш масалалари Республика Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ўтказилган илмий-амалий конференциянинг асосий мавзуси бўлди. Унда олий ва ўрта махсус ўқув юр்தларининг раҳбарлари, ижтимоий-гуманитар кафедралар мудирлари, етакчи профессор-ўқитувчилар, Ўзбекистон Фанлар академияси олимлари тасарруфида ўқув юр்தлари бор бўлган вазирликлар, Фан ва техника давлат қўмитаси, Республика «Маънавият ва маърифат» маркази, «Камолот» жамғармаси ва бошқа жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этдилар.

Анжуманда Республика Бош вазирининг ўринбосари А.Азизхўжаев «Ижтимоий-гуманитар фанларнинг мустақиллики мустаҳкамлашдаги ўрни» мавзусида маъруза қилди. Маърузада ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишнинг аҳволи, уларни янги, кўп босқичли ва узлуксиз таълим тизими талаблари асосида қайта қуриш, ёш авлодни ватанпарварлик, ўз Ватани ва халқига садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятларга муҳаббат руҳида, юксак маданиятли, юқори малакали мутахассислар қилиб тарбиялаб етиштириш, ҳозирги замон миллий мустақиллик мафкураси ғояларини сингдириш вазифалари ҳақида гапирилди. Шу билан бирга маърузачи ижтимоий-гуманитар фанлар профессор-ўқитувчиларининг малакасини ошириш ва уларни

қайта тайёрлаш, таълим тизимида ёш педагог кадрларни кўпроқ жалб қилиш, фанлар бўйича янги давлат таълим стандартларини яратиш, ўқув қўлланмалари ва дар-



сликларни замон талаблари асосида янгилаш билан боғлиқ долзарб масалалар тўғрисида ҳам тўхталиб ўтди.

Конференцияда ҳозирги кунда ижтимоий-гуманитар фанларнинг замон талабларига тўла жавоб бера олмаётганлиги сабаблари, уларни ўқитишда айрим камчиликлар мавжудлиги ҳамда буларни бартараф қилиш чора-тадбирлари ҳам кўтарилди.

Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган туб ислохотлар, ўтиш босқичига хос бўлган қийинчиликлар, мураккабликлар оғир ва машаққатли йўللار билан рўёбга чиқмоқда. Бу эса, ўтмиш тузуми даврида ҳукмрон бўлган мафкуранинг асоратларини енгиб ўтишда ҳам кўзга ташланмоқда. Шунинг учун мустақиллик мафкурасининг қарор топиши янгиликнинг эскиликка қарши кураши жараёнида бўлаётганлигини унутмаслик зарур.

Анжуман қатнашчилари бу жараёнда мустақиллик мафкурасига куч-қувват берилган ва унинг тантана қилишини таъминлайдиган самарали тадбирлар тўғрисида фикр алмашдилар. Бу борада улар Республика фуқаролари, айниқса, ёшларнинг онги ва тафаккурида чуқур ўзгаришлар қилишда, мамлакатимизда содир бўлаётган ислохотларни теран тушунишда ва бу ишларда фаол иштирок этишда ижтимоий-гуманитар фанларнинг имкониятларидан унумли фойдаланиш зарурлигини таъкидладилар.

Конференция иштирокчилари жамиятимизнинг

янгилашига қаратилган муҳим тадбирларнинг моҳияти, йўналиши, мазмун аҳолининг маълум қисми, жумладан, ёшларга тўла етказиб берилмаётганлиги, бунинг натижасида уларни ҳаётга тадбиқ қилиш, амалга ошириш ишларида улар тўла фаоллик билан иштирок эта олмаётганликлари, кўп жиҳатдан лоқайдлик, бепарволик ҳолатлари содир бўлаётганлиги, бу эса ўз навбатида янги муаммоларни келтириб чиқараётганлигини ўқитириб ўтдилар.

Мажлисида ижтимоий-гуманитар фанларнинг самардорлигини оширишга қаратилган яна бир муҳим масала -- ёшларнинг тарбиясига фарқли ёндашувни йўлга қўйиш масаласи ҳам кенг муҳокама қилинди. Қатнашчилар бу ишни бир қолипда олиб бориш ҳалигача мавжуд эканлиги, талаба-ўқувчиларнинг онги, дунёқарashi, билим даражаси ва савияси, турмуш тажрибаси кабиларга қараб, ўзига хос ва мос тарбия усулларини қўллаш зарурлигини таъкидладилар.

Конференция қатнашчилари барча йўналишлар бўйича жами 9 та шўъбаларга бўлиниб, ўрта-махсус ва олий таълим тизимида ўқитиладиган фанлар олида турган муаммолар ҳамда вазифалар, янги ўқув дастурлари, услубий қўлланмалар ва дарсликлар яратиш масалалари, ижтимоий-гуманитар фанларни касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар, ўрта махсус ўқув юр்தлари ва олий мактабда узлуксиз, босқичма-босқич ўқитиш тартиблари тўғрисида ўзаро фикр алмашдилар ҳамда амалий таклиф ва тавсиялар билдирдилар.

Конференция таълимнинг янги тизимида ислохотларни амалга оширишда ва баркамол авлодни тарбиялаб етиштиришда ижтимоий-гуманитар фанларнинг истиқболдаги вазифаларини, йўналишларини қатъий белгилаб олишда муҳим роль ўйнаганлиги эътироф этилди.

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг самардорлигини янада ошириш бўйича анжуманда билдирилган таклифларни ўрганиш, уларни таълим тизимида жорий этиш мақсадида вазирликда юқори малакали мутахассислардан таркиб топан ижодий гуруҳлар тузилди.

Анжуман материаллари махсус тўплам сифатида нашр этилади ва ўқув юр்தларига тарқатилади.

Сурхон томонларда

ИЖОДКОРЛАРГА ЭЪТИБОР

Вилоятда адабиётнинг турли жанрларида қалам тебратётган ижодкор ёшларга эътибор тобора яхшиланаяпти. Наманганда бўлиб ўтган республика ижодкор ўқитувчиларнинг VII анжуманида воҳа ижодкорлари фахрли ўринларни эгаллади. Жумладан, бойсунлик Кушон Абдулла наср, Абдумурод Худойбердиев шеърят, Денов туманлик Ойбек Тўраев болалар адабиёти, Узун туманилик Мирзакарим Мирзаода эса тожик адабиёти бўйича голиб бўлдилар.

ШЕРОБОДДА ЁШЛАР САЙЛИ

«Камолот» жамғармасининг туман бўлими халқ таълими ходимлари билан ҳамкорликда ёшлар сайли ўтказди. Унинг иштирокчилари Шеробод шаҳридаги Бобур номли истироҳат боғида ўтган турли қизиқарли тадбирлардан олам-олам таассурот олишди. «Чаман» ҳаваскорлик гуруҳи аъзоларининг дилрабо куй ва кўшиқлари, «Ором» болалар боғчаси кичкинтойлари айтган шеърлар ёш қалбларга ҳузур бахш этди.

Сайл сўнггида ўн нафар аълочи ўқувчига «Камолот» жамғармаси Шеробод туман бўлимининг стипендиялари берилди.

УНУТИЛМАС УЧРАШУВ

Сурхондарё вилояти мусиқали драма театрига тўпланган юзлаб ёшлар пойтахтдан келган сеvimли ижодкорлар билан учрашдилар. Ҳамза номли ўзбек Давлат академик театри раҳбари Ёқуб Аҳмедов, «Миллий тикланиш» газетасининг Бош муҳаррири Иброҳим Гафуров, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг муовини, истеъдодли шоир Муҳаммад Юсуфнинг сермазмун сўзлари, қайноқ шеърлари ёшларда катта таассурот қолдирди.

Шунингдек учрашувда таниқли санъаткорлар -- Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Нуриддин Ҳайдаров ҳамда Гулбаҳор Сулаймонова дилрабо куй-кўшиқлари билан йиғилганлар қалбига ҳузур бағишлади.

ЭНГ ЯХШИ ОИЛА БОШЛИГИ

«Камолот» жамғармаси Термиз шаҳар бўлимида «Йигит -- оила бошлиги» деб номланган кўрик-танлов ўтказилди. Унда олий ва ўрта махсус ўқув юр்தлари талабалари ҳамда ўрта мактаб ўқувчилари иштирок этишди. Танловда Термиз политехникуми талабаси Азим Қўшоқовга биринчи ўрин насиб этди.

Жовли ХУШБОҚОВ,
«Туркистон» муҳбири



«Тошкент-Лада» хиссдорлик жамияти автомашиналарга ташхис қўйиш цехи ходими Дилшод Мухамедовнинг хизматидан мижозлар хурсанд.

ЎЗБЕКИСТОНДА АМЕРИКА ТАЪЛИМ ТИЗИМИ

Тошкент Давлат Иқтисодиёт
Университети қошидаги
“КЕЛАЖАК” Халқаро Бизнес Мак-
таби

Инглиз тилини мукаммал билган истеъдодли ёшларни
“Бизнес Администратор”

дастури бўйича уч йиллик ўқишга таклиф этади. Ўқиш
Америка ўқиш режалари ва дастурлари асосида инглиз
тилида олиб борилади.

Ўқишга кириш тестлари (инглиз тили, математика) ва
суҳбатлар чет тили мутахассислари томонидан қуйидаги
кунларда ўтказилади: (шахсий паспорт бўлиши шарт)


18 июнь соат 9.00

31 июль соат 9.00

10, 14, 17, 21, 24 август соат 9.00

Бизнинг манзилимиз: Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 49.
Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университетининг маъму-
рий биноси (11-қават, 11-04 хона).

Телефонлар: 45-46-63, 132-60-25, 132-60-26, 132-60-27.
“Ўзбекистон” ёки “Халқлар дўстлиги” метро бекатлари.



Тошкент Давлат Иқтисодиёт
Университети қошидаги
“КЕЛАЖАК” Халқаро Бизнес Мак-
таби

**Ёзги бизнес мактабига
талабалар қабул қилмоқда.**

Мактаб “Чорвоқ” сув омборидаги университетнинг
оромгоҳида жойлашган.

Ўқиш фақат чет эл мутахассислари томонидан ин-
глиз тилида олиб борилади. Кириш тестлари 20 май-
дан бошлаб, ҳар куни соат 10.00 да ўтказилади.

Шошилинг, талабалар сони чекланган!

(шахсий паспорт бўлиши шарт)

Бизнинг манзилимиз: Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 49.
Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университетининг маъ-
мурий биноси (11-қават, 11-04 хона). Телефонлар: 45-
46-63, 132-60-25, 132-60-26, 132-60-27 (“Ўзбекистон” ёки
“Халқлар дўстлиги” метро бекатлари)

Барҳайит аждодларимиз

ИМОМ АЛ-БУХОРИЙ ВА ИЛМ

Буюк муҳаддис Абу Абдуллоҳ Муҳаммад
ибн Исмоил ал-Бухорий 810 йилда Бухо-
ро шаҳрида туғилиб, бутун умрини
Муҳаммад алайҳиссаломнинг суннатлари-
ни жамлашга бахшида этган улуғ зотдир.
Унинг “Ал-Жомеъ ас-Саҳийҳ” асари ўзи-
нинг мазмун моҳияти кенглиги билан
нафақат мусулмон мамлакатларида балки
бошқа давлатларда ҳам шуҳрат қозонган.

Имом ал-Бухорий ҳадис ривоят қилиш,
уни тушунишга бўлган эътибори илмнинг
кўплаб соҳаларида машҳур бўлишига са-
баб бўлди.

Имом ал-Бухорий ҳадис ва уларнинг ис-
нодларини турли кўринишлари билан
ёддан билган бўлиб, бу илмда юксак
чўққиларни забт этган. Юсуф ибн Мусо
ал-Марвазийнинг шундай ёзиб қолдира-
ди:

“Басра шаҳрининг жомеъ масжидида
эдим. Жарчи: “Эй аҳли илм, Муҳаммад
ибн Исмоил ал-Бухорий ташриф буюрди-
лар.”- деб жар солганини эшитдим. Ха-
лойиқ унинг истиқболига пешвоз
чиқдилар. Мен ҳам улар қаторида эдим.
Кўзим ҳали соч-соқолига оқ ораламаган,
устун ортида намоз ўқиётган бир йигит-
чага тушди. Намоздан фориг бўлганидан
сўнг одамлар атрофини ўраб олиб, ундан
имло мажлисини қилиб беришини
сўрадилар. У ўз розилигини билдирди.
Жарчи Басра жомеъсида иккинчи бор: “Эй
аҳли илм, Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бу-
хорий ташриф буюрдилар.”-деб жар со-
лди. Биз Бухорийдан имло
мажлиси ўтказиб бериши-
ни сўрадик. У эртага, фа-
лон жойда мажлис қилиб
беришини айтди. Эртаси-
га муҳаддису фақиҳлар,
ҳофизу тингловчилар ҳозир

аб аз-Зухрий каби шайхлари ҳам унинг
пешво эканликлариға гувоҳлик берганлар.

Бу бир улуғ шаҳодатки, Бухорийни
фиқҳда Молик-ҳижратгоҳ, яъни Мадина
имоми даражасига кўтариб қўймоқда. Бу-
хорийнинг буюклигига устози фақиҳ олим,
муҳаддис Исроқ ибн Роҳувайҳ қийналиб
қолган бир масалани ажрим қилиб берга-
нида унинг фатво берганлиги етарли да-
лил бўлади. Бухорий ўзи ҳақида: “Исроқ
ибн Роҳувайҳ ҳузурда эдим. Ундан уну-
тиб талоқ қилиб қўйган киши ҳақида
сўрашди. У узоқ ўйланиб, сукут сақлаб
қолди. Шунда мен: “Набий С.А.В. шун-
дай деганлар -- “Аллоҳ умматимнинг ўзи
қилмаган ва гапирмаган, аммо нафси
сўзлаган нарсдан гуноҳини кечиб юбора-
ди”, -- яъни амал ва қалб ёки калом ва
қалбнинг бирга бажариши назарда
тутилмоқда. У киши эса қалби билан
ишонган эмас. Менга Исроқ мени қўлла-
динг, Аллоҳ сени қўлласин, деб фатво
қилди”.

Бухорий ўз саҳиҳ тўпламига кўплаб
фиқхий далилларни киритганки, булар
унинг фиқҳда нақадар чуқур билим ва кенг
заковат эгаси эканини кўрсатади. Буни биз
тўпلامнинг фасллариға, боблариға кири-
ган ва ўздан кейингилар аксариятини
тушуна олмаган, тушунса ҳам катта
машаққат ва ҳаракат билан англаган но-
зик масалаларда кўришимиз мумкин.

Бухорий тарих ва сийрат илмида ҳам
илғорлардан эди. Ёшлигиданоқ шу фанда

қалам тебратди. У ўзи
ҳақида айтади: “Ўн сак-
кизга кирганимда,
“Саҳоба ва тобеинлар
муаммоси” китобини
ёздим. Сўнг Мадинада
Набий С.А.В.нинг қабри
олдида “Тарих”ни



бўлишди. Мажлисга минг-
лаб одамлар йиғилди. Абу
Абдуллоҳ имло учун ўтир-
ди. Имлоға киришишдан
олдин: “Эй Басра аҳли, мен
сизларға ўз шаҳрингизға
доир ҳадислардан айтиб
бераман. Чунки бу ҳадислар аҳли Басрада
йўқ”. Йиғилганлар Бухорийнинг сўздан
таажжубга тушдилар. Бухорий имлони бош-
лаганида сўзининг маъносига етдилар.

Бухорий ўз ҳақида айтади: “Мингдан
ортиқ шайхдан ҳадис ёздим. Ҳар бирдан
ўн мингдан ортиқ ҳадисни эшитдим. Мен-
да иснодини эслай олмайдиган бирор ҳадис
йўқ”.

Абул Азхар айтади: “Самарқандда тўрт
юзта ҳадис толиблари бор эди. Улар етти
кун давомида йиғилишиб, Муҳаммад ибн
Исмоилни адаштириш чораларини ўйлади-
лар-да, Шом иснодини Ироқниқига, Яман
иснодини Ҳарамайнниқига киритиб юбор-
дилар. Аммо Бухорий на бир матнда ва на
бир иснодда хато қилмади”.

Бухорий тафсир илмиға иснодларни би-
лувчи тилшунос, аҳкомларни ҳосил қилишға
машғул киши сифатида ёндашарди. “Саҳиҳ”
тўпلامининг тафсир китобини кўздан ке-
чириш орқали бу нарсаса ишонч ҳосил
қилиш мумкин. У тафсир илми бўйича “ат-
Тафсир ал-Кабир” китобини ёзган.

Бухорийнинг ҳадис илмини кенг били-
ши, араб тили ва бошқа фанлардан ҳам
етарлича хабардорлиги ёшлигидан аҳли рай
таълимотларини, саҳоба ва тобеинларға
тегишли масалаларни билиши (бу масала-
ларға оид китоби ёзилганида Бухорий 18
ёшда бўлган)- унинг пешво фақиҳ,
маҳоратли мухтаҳид бўлиб етишишига тур-
тки бўлди. Ҳатто Наъим ибн Ҳаммад ал-
Хузозий Муҳаммад ибн Башшор, Абу Мусъ-

ёздим. Тарихда мен
қиссасини билмаган
ном жуда кам эди. Бу-
хорий ўзи илм ривоят
қилган кишиларнинг
деярли бирортасини ҳам
қолдирмай шу китобда
зикр қилган. “Ат-Тарих ав-Авсат” ва “ат-
Тарих ас-Соғир” китоблари ҳам унинг
сийратлар, вафот саналари ва кишилар та-
рихини яхши билганини кўрсатади.

Бухорий журҳ ва таъдийл санъатининг
имоми, унинг байроғини баланд кўтарган
зотдир. Дарҳақиқат, у шундай ҳофизки,
саҳобалардан бошлаб замонасигача бўлган
дунёдаги иснодларнинг деярли ҳаммаси
унинг назари остида ва ҳифзу кўламида
турарди. У аниқ ва моҳир ривоятчиларни
ноаниқ ва бўғтончилардан ажратади. Бу-
хорий ривоятчилар ҳақида журҳ ва таъ-
дийл қилиб сўзлади. Бироқ у ривоятчи-
ларнинг журҳлари ҳақида гапирганда
ниҳоятда эҳтиёткорлиги ва ғийбат қилиб
қўйишдан сақланганлиги билан ажралиб
туради. Бу унинг тақво ва эҳтиёткорлигини
доим ўзига лозим туғанидан далолатдир.

Ҳадис илмларнинг энг дақиқи ва яши-
рин эканлигидан ташқари энг қийини
ҳамдир. Бухорий мазкур илмда баланд
даража, мустаҳкам қадам соҳиби эди.
Унинг бу илмдаги билимларининг қаймоғи
буюк китоби “ал-Жомеъ ас-Саҳийҳ”иға жо
бўлгандир. Ушбу илмни тушунмайдиган ва
унда моҳир бўлмаган киши ёдлаш доира-
си ҳар қанча кенг, ривоятлари қанчалик
мўл бўлмасин, бу соҳада саҳиҳ ҳадисни
бошқалардан ажратадиган китоб ёзиш ва
бу китоб аксар ҳолларда “Саҳиҳ Бухорий”
омон қолгандек танқиддан омон қолиши
маҳол.

Нажмиддин МИРМАХМУДОВ,
Абу Райҳон Беруний номли
шаҳсшунослик институтининг
кичик илмий ходими

38 СОАҲ СУВОДА

Сьюзен Марони узоқ
масофани сузиб ўтиш
бўйича жаҳон рекордига
эришди. Мексиканинг
шарқий қирғоқларидан
Кубанинг ғарбидаги Лос-
Тумбосгача бўлган 196
километр масофани 38 со-
ату 33 дақиқа ичида су-
зиб ўтди.

Шундай қилиб Сьюзан
ҳаттоки Мексика
кўрфазида ғуж бўлган
наҳанг балиқларни орда
қолдирди.

“КАПИТАЛ
ЮРАК” ЛМ...

Цирк юлдузлари
сулоаларидан бирининг да-
вомчиси бўлган Жоан Трабор

дунё рекордини ўрнатишға
аҳд қилган. У 100 метр
баландликдаги дорлар усти-
дан соатига 96 км. тезлик
билан мотоциклда “учиб
ўтмоқда”. У 350 метрлик
“сим трасса”ни ўтиб
бўлгунча пастдагилар юрак
ҳовучлаб туришади.

Юракданам бор экан-да!

“ҲЕЧДАН
КЎРА”

Туркиянинг катта бир
идорасига ўғри тушди. Тун-
да “ов”га чиққан бу ўғри-
лар ҳар қанча уринишма-
син сейфни оча олишма-
ган. “Чиқмаган жондан
умид” деганларидек, қуруқ
қайтишни хоҳламаган бу
шоввозлар 40 минг доллар-
га тенг чек, акция ва оча
олишмаган сейфларини
кўтариб жунаб қолишган.

Ўзингизни ҳеч вақт четдан туриб қузатганмисиз? Қалбингизга худди бегоналардек назар ташлаб, унинг ичкари-сини кўра олганмисиз, ҳеч? Баъзан шундай қилишга ҳам тўғри келади. Негаки, инсон ўз виждони олдида тез-тез ҳисоб бериб туришга одатланмоғи керак. Яхшиси, сиз ҳар кун эрталаб ўз-ўзингиздан сўранг: "Мен кеча тўғри иш қилдимми? Кимни ранжитдим? Кимга яхши сўз айтдим? Қандай хатоликка йўл қўйдим?" Ана шунда бир кун аввалги воқеалар кўз ўнгингиздан бирма-бир ўта бошлайди. Кўнглингиз тўлса, енгил тортасиз. Кўнглингиз тўлмаса-чи? Виждонингиз олдида сал хижолат чекасиз. "Мен кечаги хатони бугун такрорламаслигим керак!" деган биргина сўз ҳаёлингиздан кечади. Аслида шу биргина сўз Сизнинг бугунги кунингизни белгилайди.

"Ёшлик -- хатоликлар фасли, лекин унинг ҳар хатоси қор зарраси кабилур" деган эди фаранг файласуфи Вольтер. Бу сўз замирида сиз қай маънони англадингиз? Ёшликни авайлаш, хатоликлардан қўз юмиш кераклигини-ми? Ё фалсафий парадоксми бу? Мухими бунда эмас. Мен сўз очган мавзу "Хатоликларни кечириб ва тинимсиз кечиравериш тўғримикин?" деган битта саволга бориб тақалади.

Америкалик адиб Дейл Карнегининг машҳур асаридаги қаҳрамонлардан бири шундай дейди: "... Ўзига берилган топшириқни ёддан чиқаргани учун мен қизимни бир ҳафта сеvimли машғулотида озод қилдим. У шу вақт ичида кўчага ҳам чиқмади ва маънос бўлиб қолди. Лекин, шу кичик "жазо" ажойиб самара берди: қизим ҳар гал мен гапирётганимда жуда диққат билан қулоқ солиб туради".

Биз ёшларнинг кундалик хатоликларини жуда осонликча кечирамиз. "Ҳали ёшқу" дея ўз-ўзимизга таскин ҳам берамиз. Лекин, назаримда битта нарсани унутамиз. Хатони дарровгина кечириб уни қайта такрорламасликка кафолат беролмайди!

БИРИНЧИ ВОҚЕА. Никоҳ баъзи давом этарди. Тўй даврасидагилар ўйин-кулги билан овора пайтида куёв пиёлага шампан виносидан қуйиб, келинга узатади. "Йўқ, ичмайман" дея пичирлайди келин. "Ҳали сиз биринчи кунданок гапимни қайтаряпсизми?" дейди жаҳли чиқиб куёв. Келин пиёлани қўлига олади. Сўнг сал нарида унга қараб турган келиноийсига кўзи тушади. "Ичманг" деб имо қилади у. Келин пиёлани қайтариб жойига қўяди. Анча вақт ўтиб, куёвжўралардан бири булар ёнига келади ва келинга вино қуйилган пиёлани узатади. Ичишга ундайди. Келин қарасаки, бу йигит ўта ширакайф, агар ичмаса тихирлик қилиб, бошқалар эътиборини тортиши тайин. У пиёлани олиб секин хўплаган бўлади. Бундан кўра куёв "Сен ҳали менинг гапимни ерда қолдириб, ўзгалар қўли-

дан шампан ичадиган бўлдингми!" дея дўқ уради. Келин ҳам нимадир дейди. Шунда куёв қаттиқ қизишиб келинчақнинг юзига шапалоқ тортади. Келин қичқириб юборади. Столдагилар ўрнидан туриб кетади. Даврага совуқ жимлик чўкади.

-- Қанақа бола ўстиргансизлар, биринчи кунданок қизимни ҳамманинг олдида шарманда қилди,- дейди қизнинг онаси йиғлаб. -- Менинг қизим кўчада қолгани йўқ, шунинг билан қўйинг!

-- Ҳали ёшда, ўғлимизни кечиринг қула,- дейди йигитнинг отаси. -- Шунақа

бўлсак...

Шу куйи ота-ўғил савдоланишилади. Ўғил келиб ишни битиради. Ота унинг хизмати учун пул тўлайди. Бу воқеа бир қарашда сал оддийроқ туюлар. Лекин, ким қандай хатога йўл қўйди? Ўғил отаси олдидаги фарзандлик бурчини тўла англаб етмаган экан, ота уни осонгина кечириб ўрнига бошқачароқ йўл тутиши зарурмасми? У четдан уста ёллаб, ҳовлини тузаттирганида, балки бу ўғлига катта сабоқ бўлар ва шунда юз беражак кўп хатоликларнинг олди олинарми?! Ёшликнинг хатоликлари чиндан ҳам

Маънавий бекати

Ўшанда олдий бир медресадан нима ўғирлаш мумкинлигини ўйлаб ҳам кўрмаганмиз. Бу иш бизга қизиқ бўлиб туюлган, холос. Хуллас, дераза ойнасини синдириб, ичкарига кирдик. Ўзимизча нималарнидир "умардик". Аммо, ўша кун кечқурун қилмишимиз ошқор бўлди. Деразадан кирганимизни мактаб қоровули кўрган экан. Шу кун отам мени ҳовлимиздаги ҳаммом ичига қамаб қўйди. Йиғладим, ялдим, қичқирдим, эшикни очмади. Онамнинг ёлворилишига ҳам қулоқ солмай, отам қалитни чўнтагига солиб ишга кетди. Бир кечакундуз "қамокда" ётиб нималарни ўйламадим денг. Қайта-қайта тавба қилдим, ўз-ўзимга қайта-қайта сўз бердим. Ҳаммомдан чиқаришганида ўлар ҳолатда эдим. Энди ўйлайман. Ўшанда отам тўғри қилган экан. Ўша жазо сабаб, мени эгриликка билиб-билмай қўйган қадамим сўнгги қадам бўлди ва бундай ишни қайта ҳеч вақт ҳаёлимга келтирмадим...

Сўхбатни тинглаб, узоқ йилларда юз берган бир воқеа ёдимга тушди. Қўшни-мизнинг икки қиз ва бир ўғли бор эди. Отаси ўғлини "ёлғизим" деб суяр ва қизлардан ортиқроқ кўрарди. Нима деса шунинг муҳайё қиларди. Мактабни битириш арафасида ўғил "Менга моторли велосипед олиб беринг" деганида отаси: "Сен бундай нарсаларга чалғима. Сени шаҳарга ўқишга киритаман"-дейди. Ўғил айтганида туриб олади, отаси уни бироз қийинчи. Биринчи марта "сўзи ерда қолган" ўғил шу кун тўнда ўз жонига қасд қилмоқчи бўлади...

Япон халқида жуда гўзал бир одат бор экан. Ёшлар кундузги юмушлардан бўшагач, қарияларни парку тўшақлар солинган араваларга ўтқазиб, кечки боғларда сайр қилдиришаркан. Катталардан қарздорлик, ота-оналар олдидаги бурч тушунчаларини эслатиб тургувчи шу сингари одатлар бизнинг халқимизда ҳам бор. Лекин, ёшларимиз уни қандай адо этишяпти? "Эй, фарзанд, сен ҳар кун ота-онанг зиёратига бор,- дейлади Имом ал-Бухорий Ҳадисларида. -- Уларни рози қил ва дуоларини ол. Ота-онанг дуоси сени хатоликлардан асрагучи тумор кабилур!"

Сиз ҳар кун тўнда ўз-ўзингизни сўроққа тутинг. Ана шунда ҳаётингизда юз берган арзимаган бир яхшилик ҳам кўнглингизга катта қувонч олиб киришини ҳис этасиз. Ва бундан завқланасиз. Виждонингиз тозариб, руҳингиз юксалади. Дилхиралликлар эса... Йўқ, улар кечаги кунларда қолиб кетгани маъқул. Янги кунингиз яхшилик билан бошланади ва унда бир хато бўй бермайди. Ўзингизни шунга ишонтиринг.

Гулчехра ЖАМИЛОВА

Ёшлик хатоликлар фаслими?



қизикқонроқ феъли бор.

Қиз томон кечиради. Тўй давом этади. Келиннинг юрагига мунг чўкади, асраб юрган соф тўйгуларига заволят етади. "Тўй кечаси нега шундай кўнглисизлик юз берди?" деб ўйлайсан беихтиёр. Бунга сабаб, ота-онанинг ўғлидаги "қизикқонлик"ни қайта-қайта кечириб келгани эмасмикин?

ИККИНЧИ ВОҚЕА. Ўғил уйлангач, шаҳар марказидан ижарага уй олиб кўчиб чиқади. Қишлоқда қолган отаси кексайиб кучдан кетган, онаси касалманд эди. Ҳовли девори эса тутдай тўкилган. Хонадонда яна бир бўйқиз бор, лекин унинг қўлидан нимаям келади. Бир гал ўғил келганда "Деворни яхшилаб суваб, эшикни қайта ўрнатиб бергин"- дейди ота.

-- Хўп, майли. Сиз бу учун менга қанча ҳақ тўлайсиз?,- дейди ўғил.

-- Ие, сен ўз ҳовлингга ишлаганинг учун мендан пул сўрайсанми?

-- Бўлмаса-чи, ҳозирги кунда бунинг айби йўқ, ота. Ахир ижарада яшаётган

"қор зарраси сингари" ҳаётимизга сингиб кетаверадими? Демак, қор зарраси сингари хатолик ҳам беадад, такрор-такрор юз бераверарканда! "Биринчи қадамни тўғри қўй!" деган эски гап ҳам бор. Биринчи қадам... Ҳаётга, оилага ва адо этилажак жамик бурчлар сари қўйилган биринчи қадам тўғри бўлса, яшаш осонроқ кечади. Ботиний муаммолар, изтироблар юкидан виждон азоб чекмайди. Дарвоқе, виждон... У -- ҳушёрми? У -- тирикми? Менимча, қачонки хатоликлар осонликча кечирилса, виждонимиз ухлоқлигича қолаверади. Ваҳоланки, виждон хатони ҳис этиши керак!

Мен яқинда эшитганим ва шу мақолани қоралашимга сабаб бўлган бир сўхбатни айтиб ўтаман. "... Аниқ эсламан, ўшанда ўн тўрт ёшда эдим,- дейди сўхбатдошим. -- Таътил бошланиб, бе-кор қолдик. Қишлоқ ичи жим-жит, ҳамма дала ишида. Идоралар ҳам ёпиб қўйилган. Биз икки-уч бола қишлоқдаги медресага ўғрилиққа кирмоқчи бўлдик.

1. Тошкент давлат 2-тиб-биёт институтининг:

-- 2 та "Москвич-21412" русумли автомобили, бошланғич нархи 53787,0 ва 57927 сўм.

-- "Москвич -2140" русумли автомобили, бошланғич нархи 34073,0 сўм,

-- РАФ-2203 русумли автомобили, бошланғич нархи 110318,0 сўм,

-- ВА3-21063 русумли автомобили, бошланғич нархи 93123,0 сўм,

2. 2512-автожамламанинг ГА3-5227 русумли автомобили, бошланғич нархи 89400,0 сўм.

3. "МТА" ҳиссадорлик жамиятининг ГА3-2417 русумли автомобили, бошланғич нархи 71033,0 сўм,

4. "Академтаъминот"

хўжалик

бўлимининг ГА3-24 русумли автомобили, бошланғич нархи 52542,0 сўм.

5. "Нилуфартранс" ҳиссадорлик жамиятининг:

-- КАМА3-5511 русумли автомобили, бошланғич нархи 147625,0 сўм.

-- ГА3-5312 русумли автомобили, бошланғич нархи 117798,0 сўм.

6. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Бош савдо бошқармаси автомобиль базасининг:

-- ГА3 5212-01 русумли автомобили, бошланғич нархи

53660,0 сўм.

-- ГА3-5312-01 русумли ав-

томобили, бошланғич нархи 65585,0 сўм.

-- УАЗ-3151 русумли ав-

томобили, бошланғич нархи 65585,0 сўм.

-- УАЗ-469 русумли ав-

томобили, бошланғич нархи 834720,0 сўм.

7. "Тошмиссиккуват" бир-

лашмаси транспорт ва механиз-

млар корхонасининг ИЖ-2716-01-1-014 русумли автомобили, бошланғич нархи 50477,0 сўм.

8. "Тошшаҳарйўловчтранс"

давлат уюшмасига қарашли 18-автокорхонанинг ЛАЗ-695 НГ русумли автобуси, бошланғич нархи 876683,0 сўм.

9. Ўзбекистон Республика-

ри 79853,0 сўм.

-- ИЖ-2715-011 русум-

ли автомобили, бошланғич нархи 60847,0 сўм.

Шу билан бирга давлат

хазинасига қарздор бўлган

корхоналарнинг ҳар хил тур-

даги асбоб-ускуналари ҳам

савдоларга қўйилади.

Ким ошди ва биржа сав-

доларида юридик ва жисмо-

ний шахслар қатнашиши

мумкин. Биржа савдолари

ҳафтанинг сешанба ва пай-

шанба кунлари ўтказилади.

Тўловлар турли шакллар-

да амалга оширилади.

Манзилимиз: Тошкент

шаҳри, Абдулла Қодирий

кўчаси 13, 1-қават, 1-хона.

Телефонлар: 144-44-72 144-

44-73

ШОШИЛИНГ, БУ

СИЗНИНГ ИМКОНΙΑ-

ТИНГИЗ!

ДИҚҚАТ!

ТОШКЕНТ ШАҲАР КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ 1998 ЙИЛ 19-26

ИЮНЬ КУНЛАРИ КИМ ОШДИ ВА БИРЖА САВДОЛАРИНИ

ЎТКАЗАДИ. САВДОГА ҚЎЙИДАГИЛАР ҚЎЙИЛАДИ:

